# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 ЙИЛ 24 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (12.434)

Баҳоси эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ижтимоий муҳофаза — амалда

## ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши йўлида Учтепа туман ҳокимлиги, туман прокуратураси томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида А.Хўжаев номидаги Республика Дизайн коллежида «Ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси» ўтказилди.***

Тадбирга пойтахтимиздаги ва тумандаги мавжуд касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва иш билан банд бўлмаган аҳоли таклиф этилди.

— Ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркасида 20 та корхона ва ташкилотлар 829 та бўш иш жойлари билан иштирок этдилар, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Отабек Раззоқов. — Жами 573 нафар ёшлар ярмаркада иштирок этиб, уларнинг 47 нафари ўзлари хоҳлаган иш билан шуғулланиш учун корхона ва ташкилотларга йўлланмалар олишди.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали халқимиз турмуш тарзини юксалтириб боришда туман Бандликка кўмаклашиш марказларининг хизматлари бисёр.

Учтепа тумани Бандликка кўмаклашиш маркази ҳам коллежлар, олий ўқув юртлари битирувчилари билан алоҳида режа асосида иш олиб боради. Марказ томонидан аҳолига, айниқса ёшларга эътибор қаратилган ҳолда доимий равишда меҳнат ярмаркалари ўтказиб келинади.

Корхона, ташкилот, муассасалар, фирма, хусусий тадбиркорлар билан тузилган шартномалар асосидаги ҳамкорлик ҳам самарали натижаларни бермоқда.

Туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан янги иш ўринларини яратиш режаси бу йил 3112 та этиб белгиланган, ҳозирги кунгача эса 3174 та иш ўринлари яратилди. Жорий йилда тумандаги 224 та корхона ва ташкилотларда 1790 та махсус ажратилган иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, 2013 йилнинг беш ойи давомида 766 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга 23 марта «Ишга жойлаштириш куни» ва икки бор «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди.

Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига кўра аҳоли бандлигини таъминлаш режаси 111,4 фоизга бажарилди. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ҳам режа белгилангандан зиёд қилиб адо этилди.

Бунда туман миқёсида ижтимоий ҳамкорлик дастури доирасида ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларининг алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизнинг касб-ҳунар эгаллаб аниқ иш жойига эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида, уларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши мужассам.

Давлатимиз томонидан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Ёшларнинг ўзлари қизиққан касбларида ишлашлари ва муқим иш ўрнига эга бўлишларида юқоридаги каби мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари алоҳида аҳамият касб этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркасидан лавҳа Ислом Исмоилов олган сурат**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан молия вазири ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида туради. Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда олдинроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир ҳисоботи дастлабки тартибда кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида таъкидландики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг энг муҳим устуворликлари ҳамда мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги иқтисодий дастурнинг асосий вазифалари изчил рўёбга чиқарилиши натижасида ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

2013 йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари – 7,5 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 6,0 фоизни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,2 фоизни, қурилиш пудрат ишлари ҳажми – 13,2 фоизни ташкил этди.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми – 9,0 фоизга ўсишига кўмаклашди. Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиш ҳамда айланма капитални тўлдириш учун банклар томонидан 652,6 млрд. сўм миқдордаги кредитлар ажратилди, бу эса 2012 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

*(Давоми 2-бетда)*

## АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Пойтахтимизда аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашга бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Мазкур тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказининг «Жамиятда очиқлик ва транспарентликни таъминлашда ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги» қўшма лойиҳасининг давомидир. Унда мамлакатимиз парламенти юқори ва қуйи палаталари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бугунги босқичида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш мамлакатимизни янада демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда барқарорликни, Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалга оширилишини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ҳамда бошқалар мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг мантиқий давоми бўлди. Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ҳамда эркин ривожланишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш соҳа олдига қўйилган асосий вазифалар ҳисобланади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Давлат активларини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар: давлат активларини бошқариш маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалар» мавзуига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** темир йўл муҳандислари институтида олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 1-Республика тиббиёт коллежида «Одам савдосига қарши биргаликда кураш фуқаролик бурчимиз бўлсин» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоий вилоятида касб-ҳунар коллежи битирувчилари ўртасида ташкил этилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» танлови якунланди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлар иштирок этди.**

**● Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан «Обод юртга муносиб фарзанд бўлайлик» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган маданий тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирок этди.**

**● Бухоро шаҳрида «BankExpo – 2013» вилоят кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Уни ўтказишдан мақсад банк-молия тизими ютуқлари ва ривожланиш йўналишларини кенг тарғиб этиш, соҳадаги янги технологиялар ва хизматлар билан мижозларни яқиндан таништиришдан иборат.**

**● Зарафшон шаҳрида 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган 48 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Янги уйларга Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон ҳамда Зарафшон қурилиш бошқармаларида меҳнат қилаётган бир қатор ёш ва малакали мутахассислар оилалари кўчиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Канададаги мушак ишлаб чиқарувчи корхонада ёнғин оқибатида портлаш рўй берди. Мазкур бахтсиз ҳодиса натижасида корхонада ишловчи икки киши ҳалок бўлган. Ўт ўчирувчилар ёнғинни бартараф этиш учун уч соатдан кўп вақт сарфлашган. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари аниқ эмас.**

**● Европа Иттифоқининг полиция хизмати (Европол) кейинги бир ярим йил давомида пухта тайёрланган махсус операция якунланганини маълум қилди. Ушбу операция давомида турли мамлакатларда жиноят оламида танилган 18 та йирик жиноятчи қўлга олинди. Шулардан энг кўпи — етти нафари Италияда ушланди.**

**● Huawei компанияси янги Ascend P6 деб номланувчи смартфон тақдимотини ўтказди. Аппаратнинг қалинлиги 6,18 миллиметрни ташкил этади. Шу боис у жаҳондаги энг юпқа смартфондир. Ундан олдинги энг юпқа смартфон жорий йилнинг январь ойида намойиш этилган Alcatel One Touch Idol Ultra аппарати ҳисобланарди. Унинг қалинлиги 6,45 миллиметр эди. Ascend P6 нинг вазни 120 грамм. У 4,7 дюймли экран, тўрт ядерли процессор ва икки гигабайтли тезкор хотира билан жиҳозланган.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кичик бизнесни ривожлантириш учун энг кўп даражада қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича қабул қилинган қарорларни амалда рўёбга чиқариш натижасида унинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушининг ўсиши 19,5 фоиздан 21,2 фоизгача, инвестициялардаги улуши – 34,4 фоиздан 41,1 фоизгача, бандликдаги улуши – 74,7 фоиздан 75,1 фоизгача ўсиши таъминланди.

Ҳисобот даврида республика бўйича 250,4 мингта янги иш ўрни яратилган бўлса, улардан 150 мингтадан ортиғи (60,0 фоиз) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги ташкил қилинган иш ўринлари умумий сонининг 156,8 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилди. Янги корхоналарни ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 13,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йил бошидан буён «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2013 йилнинг I чорагида Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари 5 369,6 миллиард сўмни, харажатлари эса – 5 282,9 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат бюджети 86,7 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджети ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа биринчи навбатдаги тўловларни тўлаш бўйича харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджетининг ғазначилик ва самарали ижросини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланган харажатлар умумий сарф-харажатларда 59,2 фоизни ташкил этди, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 14,8 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 15,6 фоизга ошди.

Иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 4,6 триллион сўмни ташкил этди ва 7,2 фоизга ошди. Иқтисодиётга киритилган капитал маблағларнинг умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 68,2 фоизи йўналтирилди.

Иқтисодиётга сарфланган бюджет харажатлари 424,6 миллиард сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,6 фоизга кўпроқдир. Улардан 272,4 миллиард сўм мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув хўжалигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга сарфланди. Саноат ва ёқилғи-энергетика комплексининг базавий тармоқларини молиялаштиришга 48,6 миллиард сўм ажратилди.

Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сарфланган харажатлар 2013 йилнинг биринчи чорагида 21,7 миллиард сўмни ташкил этди, улардан биохилмахилликни ҳимоя қилиш ва ландшафтни муҳофаза қилишга 7,0 миллиард сўм, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишга, юқумли касалликларнинг олдини олишга – 12,5 миллиард сўм, чиқиндиларни тўплаш ва йўқ қилишга – 0,4 миллиард сўм, оқава сувларни йўқ қилишга ва тозалашга – 1,8 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларини сақлаш ҳамда шаҳарлар, посёлкалар ва туманларнинг бошқа инфратузилмаларини қўллаб-қувватлашга ҳам катта аҳамият берилиб, уларга 72,5 миллиард сўм, кўчаларни ёритишга – 6,7 миллиард сўм ажратилди. Шу билан бир қаторда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш тармоқларини қуриш объектлари бўйича 31,5 миллиард сўм молиялаштирилди.

Саволларга жавоблар берилганидан кейин ҳисобот батафсил муҳокама этилиб, муҳокамалар пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратиш лозимлигини, шунингдек, улар томонидан молиявий, хомашё ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Давлат бюджети ижроси юзасидан депутатлик назоратини олиб боришда туман, шаҳар, вилоят кенгашларидаги депутатлик корпуслари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини билдирдилар. Шу билан бирга, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан қўшимча чоралар сифатида жамоатчилик назоратини кучайтириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кераклигини таъкидладилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси мутасадди вазирлик ва идоралар эътиборини бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашга, айни пайтда, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эътиборини ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, минтақаларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини янада мустаҳкамлашга қаратиш лозимлигини эътироф этди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари учун сотиб олинадиган замонавий ускуналар ва жиҳозларнинг сифатига эътиборни кучайтириш ҳамда илм-фанни ривожлантиришга ажратиладиган маблағларнинг самарадорлигини ошириш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экоҳаракат депутатлари гуруҳи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш тадбирларига ажратилаётган маблағларни тўлиқ акс эттириш лозим, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, бюджет интизомига риоя қилмаслик айрим бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ортганлигини таъкидлаб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини эътироф этди.

Умуман олганда, депутатлар мажлис жараёнида бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш муҳимлигини ҳам айтиб ўтдилар. Мамлакат ҳукуматига бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, хусусан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир ҳисобот депутатларда талай саволлар пайдо бўлишига олиб келди ва бу саволлар Ҳукумат вакилларига берилди.

Ҳар томонлама ва пухта муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

***Миллий матбуот марказида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш борасидаги ишлар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Юксак маънавият — енгилмас куч

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб камолга етказиш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялардан ишончли ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2012 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган «Республика ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш чора-тадбирлари дастури» бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Мазкур дастур асосида Маънавият тарғибот маркази томонидан таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда, ахборот-ресурс марказларида маънавият ҳафталиклари ташкил этилиб, уларда истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак обрўга эга бўлиб бораётгани, баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган доимий эътибор ҳақида самарали ва таъсирчан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Таниқли олимлар, маънавият ва таълим фидойилари, ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги турли мавзулардаги учрашувлар, маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ва викториналар ёшларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз Ислом Каримов асарларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш юзасидан аҳоли ўртасида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда. «Оммавий маданият» ва маънавий таҳдидларга бағишланган фильмлар тайёрланаётир. Шу мавзуда услубий қўлланмалар, буклет ва плакатлар тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан санъаткорларнинг юртимиз бўйлаб гастроль сафарлари ўтказилмоқда. Сўнгги пайтда кино, театр ва музейларга томошабинлар қатнови анча ортди. Ёшлар онгида бузғунчи ғояларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантирадиган сара саҳна асарлари ижодкорларини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши театр асари» танлови таъсис этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг май ойида «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида республика «Китоб байрами» тадбирларини ўтказди. Умумтаълим мактабларида бадиий тўгараклар иши жонлантирилмоқда.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан мамлакатимиздаги мавжуд кинотеатрлар фаолияти, ҳозирги кундаги аҳволи ва уларни тиклаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳамда молиялаштириш манбалари юзасидан мониторинг ўтказилди. Мавжуд кинотеатрларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан кўплаб амалий ишлар бажарилди. Республика Маънавият тарғибот марказининг турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорлиги ёшлар тарбиясига оид ишларни тўғри йўналтиришда кутилган ижобий самараларни бермоқда.

Матбуот анжуманида Республика Маънавият тарғибот марказининг истиқболдаги режалари ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**



*Шаҳримизнинг кўркам маскани*

## АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотни эркин, монеликсиз излаш, олиш, текшириш ҳамда тарқатиш ҳуқуқларининг кафолатлари, шунингдек, унинг очиқ-ошкоралиги, ишончлилиги принциплари мустаҳкамланган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбирда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, билими ва онгини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаол ҳамкорлик қилиши учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтайдиган қатор ахборот хизматларининг фаолияти таҳлил этилди.

Мулоқот иштирокчилари бу борада мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётганислоҳотлар доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, ҳар бир давлат органида ахборот хизмати мавжуд бўлишини қонун даражасида мустаҳкамлайдиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши долзарб масала эканини таъкидлади.

**М.МАМЕТОВА, ЎзА мухбири**

Қарор ва ижро

## ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

***Инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турли касалликларнинг олдини олишда дори воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика саноатини янада юксалтириш масалалари муҳокамасига бағишланган матбуот анжуманида айнан шу ҳақда сўз борди.

— Бугунги кунда республикамизда жами 6599, шу жумладан 1265 номдаги маҳаллий, 5334 номдаги хорижий фармацевтика саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган, — дейди дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Жалилов. — Қўллашга рухсат этилган дорилар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган фармакотерапевтик гуруҳларга кирувчи дори-дармонлардан иборатдир. Яъни, улар шифокорлар томонидан тегишли барча касалликларни бемалол даволаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, дори воситаларининг сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар туркумига киритилиши уларнинг сифати назоратида муҳим қадам бўлди. Қарорга мос равишда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган дори воситалари белгиланган тартибда лаборатория таҳлилларидан ўтиб, мувофиқлик сертификати берилгандан кейингина сотувга чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда дори воситаларининг сифат назорати тизими Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий филиаллари, мустақил сертификатлаштириш идоралари, шунингдек, «Дори-дармон» АК ва маҳаллий фармацевтика саноати корхоналари ички назорат таҳлил лабораторияларини ўз ичига олади.

Дори воситалари сифатига баҳо беришнинг асосини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилиши, уларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаблари даражасида такомиллаштириш жорий этилган.

Бугунги кунда қўллашга рухсат этилган 6500 дан ортиқ дори воситаларининг ҳаммаси учун меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг стандартлари тасдиқланган бўлиб, бу стандартларнинг аксарияти халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилган.

Мустақилликдан олдин юртимизда атиги иккита фармацевтика корхонаси фаолият юритиб, улар томонидан 20 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 133 та корхоналар дори воситалари ишлаб чиқариш рухсатномасига эга. Шундан йигирма олтита корхонада Халқаро сифатни бошқариш тизими ISO 9001 ва GMP жорий этилган.

Шундай корхоналардан 17 таси ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган 30 дан ортиқ оригинал дори воситалари маҳаллий хомашёлар, асосан доривор ўсимликлар асосида республикамиз олимлари томонидан яратилгандир. Улар жумласига аллапинин, экдистен, тефестрол, пириацин, купир, сукцинасол ва бошқалар киради.

Маҳаллий корхоналар фаолиятига халқаро сифат стандарти «Яхши ишлаб чиқариш амалиёти» GMP ни жорий этиш муҳимдир. Бу йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сақлаш, ташиш, сотувга чиқариш, қўллаш ва бошқа босқичлар меъёрлаштирилган ва мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда.

Анжуман фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

2013 йил — Обод турмуш йили

# НИКОҲ ВА ОИЛА — МУСТАҲКАМ ЖАМИЯТ АСОСИ

***Халқимиз қадимдан оилага муқаддас қўрғон сифатида қараган. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўшадир. Юртимизда «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили» шу билан бирга жорий «Обод турмуш йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари доирасида юзга яқин ҳужжат тайёрланиб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, никоҳланувчи шахсларни психик, наркологик, таносил, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича бепул тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди.***



Амалиётдан ҳамда мутахассислар билан бўлган суҳбатлардан маълумки эрта турмушга чиққан қизларда келин бўлиб тушган оиласига моддий ва маънавий қарамлик, ўзини ёлғиз сезиш, руҳий мувозанатнинг бузилиши, таъсирчанлик, туғруқдан қўрқиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундан ташқари, катталарнинг қистови билан турмуш қуриш мустақил ҳаётга тайёр бўлмаслик, эр-хотинлик масъулияти ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етмасликка олиб келади. Оддий муаммо ва қийинчиликларни ҳал қилишда тажрибанинг етишмаслиги эса оиланинг мустаҳкамлигига, никоҳнинг бардавомлигига путур етказади. Афсуски, бугун нафақат қизларни ёш турмушга бериш, балки йигитларимизни ҳам эрта уйлантириш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш ва аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бироқ ушбу ёшга тўлмаган йигит ва қизларни никоҳ ришталарини боғлашда шаръий никоҳларни ўқиш билан кифояланиб, амалдаги қонунчиликка риоя этилмаётганлиги натижасида юқорида айтиб ўтилган оқибатлар юз бермоқда.

Шу ўринда оила қонунчилигига асосан расман никоҳ тузмасдан оила қуришда юзага келадиган муаммолар ҳақида тўхталмоқчимиз.

Никоҳ эр ва хотин ўртасида шахсий ва мулкий характердаги маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи аниқ ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Қонунчиликка асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилган никоҳгина ҳақиқий ҳисобланади. Бунда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ФҲДЁ органларидан ташқарида ҳар қандай усулда ва бошқа муассасада тузилган никоҳ тан олинмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Қонуний рўйхатдан ўтказилмасдан эр ва хотиннинг никоҳ муносабатларига киришиши бу муносабатларнинг қанча вақт давом этишидан қатъи назар никоҳдагилар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтира олмайди.

ФҲДЁ органларида никоҳни қонуний рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб, эр ва хотин ўртасида ўзаро мулкий ва шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Никоҳ тузилиш билан эр ва хотин оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқий нормалар иштирокчисига айланади. Бу қатъий ва аниқ муносабатлар келгусида эр ва хотиннинг бўлажак фарзандларининг ҳуқуқий ҳолатини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатларда қонуний никоҳ тузилиши бевосита маълум имтиёз ва кафолатлар тақдим қилади. Эр ва хотиннинг биргаликдаги турмуши давомида орттирилган мулк фақат никоҳ қонуний расмийлаштирилган ҳолдагина эр-хотиннинг умумий мулки сифатида тан олинади. Қайд этиб ўтиш лозимки, умумий мулк эр ва хотиннинг қайси бир тарафидан тўпланган ва қайси бирига тегишлилигидан қатъи назар ушбу мулкка эр-хотиннинг ҳар иккаласи тенг ҳуқуқли бўлади. Бунда шуниси аҳамиятлики, эр ёки хотиндан бирида мулкий масалада низо келиб чиққанда, агар мулк биргаликдаги никоҳ даврида орттирилган бўлса, ушбу мулкнинг умумий мол-мулк эканлигини исботлаш талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига асосан диний асосларга кўра тузилган никоҳда эр ва хотин ўртасидаги мулкий муносабатлар оила кодекси нормалари асосида эмас, балки фуқаролик тартибида ҳал этилади.

Қонунчиликда никоҳ даврида уй ишлари билан банд бўлган, болалар парвариши билан шуғулланган ва бошқа узрли сабабларга кўра мустақил даромад кўриш имкониятига эга бўлмаган тарафни эр-хотиннинг умумий мулкига бўлган ҳуқуқини белгиловчи нормалар мавжуд.

Ушбу норма ўз моҳияти билан ишламайдиган аёллар қонуний ҳуқуқларининг ҳимоясига йўналтирилган. Оила кодекси билан мустаҳкамланган эр-хотиннинг тенглиги принципидан келиб чиқиб, аёлларнинг уй меҳнати билан шуғулланиши натижасида оилада ишлаётган эри билан ҳуқуқлари тенглаштирилади. Диний асосларга кўра тузилган никоҳда бўлган аёллар бу ҳуқуқдан фойдалана олмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мулкка нисбатан тенг ҳуқуқлилигини яна шунда кўришимиз мумкинки, эр ёки хотиндан бири умумий мулкка нисбатан бирор-бир олди-сотди ёки битимни амалга ошираётганида иккинчи тарафнинг розилигини олиши шарт. Агарда олди-сотди ёки битимда розилиги олинмаган тараф ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни истаса судга мурожаат қилиши ва битим юзасидан низолашиши мумкин. Қонуний никоҳдан ўтмаган эр ёки хотин бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Оила кодексининг 117-моддасида эр ва хотиннинг бир-бирига моддий ёрдам кўрсатиш мажбурияти мустаҳкамланган. Эр ёки хотиннинг алимент ундиришдаги талаби эр ва хотин қонуний никоҳда бўлсагина суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин.

Қонуний никоҳдан ўтилиши эр ёки хотинга улардан бирининг вафотидан сўнг мерос олиш, боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан моддий ёрдам ва пенсия олиш ҳуқуқини беради. Қонуний никоҳда бўлмаганлар эса, бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Қайд этилган ғайриқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, оила деб аталмиш жамият пойдеворини яратишда иштирок этувчиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида жорий йилнинг 30 апрелида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар киритилиб, шунга кўра, **никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди.**

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-3-моддасида никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун яъни,** никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг 2-қисмига кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишни келтириб чиқаради. Модданинг 3-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Шунингдек, Жиноят кодексига янги киритилган 125-1-моддасининг 1-қисмига асосан,** никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 3 ойгача қамоқ жазоси, ушбу модданинг 2-қисмида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 4 ойгача қамоқ жазоси, мазкур модданинг 3-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 6 ойгача қамоқ жазолари белгиланди.

Руҳшунос-педагогларнинг фикрича, шахс шаклланишида у яшаётган муҳит — қирқ фоиз, тарбия эса қирқ беш фоиз улушга эга. Шу маънода, айтиш мумкинки, мавжуд қонунчиликка риоя этишда ота-оналар, маҳалла аҳли, ўқитувчилар, қўйингки, боланинг ён атрофида ким бўлса, уларнинг барчаси муайян даражада масъулдир. Бу эса ҳар биримизни янада ҳушёр бўлишга ундайди. Зеро, ҳушёр киши фарзандини хатарли йўлдан сақлаб қолади ва ўзи ҳам бошқаларнинг олдида изза бўлиб қолмайди.

Ҳамза туман прокуратураси томонидан никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари тўғрисида аҳоли ўртасида яшаш жойларида, иш жойларида, вояга етмаганлар ўртасида, ўқув муассасаларида тарғибот ишлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

**Хуршидбек ЖАЛОЛОВ,**
**Ҳамза туман прокурори**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди*

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **«Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш»**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

*— мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;*

*— ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;*

*— ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;*

*— истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;*

*— ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;*

*— ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. «ДТ-75» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 4 755 263 сўм. Зафар қурилиш инвест МЧЖ омборида сақланмоқда. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. «Москвич 2140» д.р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 483 417 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 439 491 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и.ч. «М-412» д.р. Ж91-91ТШ. Бошланғич баҳоси – 122 043 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. «Заз-968-М» д.р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 54 609 сўм. 6. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. «М-412 ИЭ» д.р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 168 605 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. «ИЖ 21-25» д.р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 414 072 сўм. 8. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и.ч. «Газ-21» д.р. К3894ТШ. Бошланғич баҳоси – 409 808 сўм. 9. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2017 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. «Ваз-21-02» д.р. 11 Р 6347. Бошланғич баҳоси – 398 313 сўм. 10. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. «Москвич» д.р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 332 014 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 11. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 391-сонли ижро ҳужжатига асосан «Опел» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 3 973 998 сўм. 12. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. «М 412 ИЭ» д.р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. 13. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2101» д.р. 11 А 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. 14. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч. «Газ 2417» д.р. 11 М 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. 15. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. «М 412 ИЭ» д.р. 10 Х 213 АА. Бошланғич баҳоси – 842 031 сўм. Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент 2, Мариам Текстил Сервис МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. Кимошди савдоси 2013 йил 8 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 16. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 20.10.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 В 562 FA. Бошланғич баҳоси – 18 887 546.80 сўм. Оҳангарон тумани, Оҳангарон раҳмонтранссервис майдончасида сақланмоқда. 17. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.11.2012 й. № 2-113/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Нексия» д.р. 30 Y 5007. Бошланғич баҳоси – 24 771 745.20 сўм. Spase Arsenal Servis МЧЖда сақланмоқда. 18. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 47 566 993 сўм. Чилонзор тумани ЖИБ суди ҳовлисида сақланмоқда. 19. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11241/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и.ч. «Iran Khodro Peugeot» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 12 628 000 сўм. Файзиобод ТИФ божхона постида сақланмоқда. Кимошди савдоси 2013 йил 22 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Кимошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Кимошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Кимошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99871) 212-89-55.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 майдан 2013 йил 20 июнгача ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 27.05.2013 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 97-сонли савдо дўкони | 59 786 144 | 62 500 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 50-сонли савдо дўкони | 25 074 040 | 26 300 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 5-сонли савдо дўкони | 11 715 818 | 12 400 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-сонли савдо дўкон, 2 блок | 67 847 400 | 72 100 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 3-сонли савдо дўкон, 3 блок | 62 490 839 | 65 500 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-қаватли 85-сонли бино: 1 қавати савдо дўкони, 2 қавати ҳожатхона | 63 662 291 | 66 700 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-қаватли 86-сонли бино: 1 қавати савдо дўкони, 2 қавати ҳожатхона | 58 307 519 | 61 100 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 6-сонли савдо дўкон, 6 блок | 79 372 018 | 83 000 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 7-сонли савдо дўкон, 7 блок | 76 270 753 | 79 900 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 14-сонли савдо дўкони | 14 034 054 | 14 760 000 |
| 14.06.2013 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 25.09.2012 й. № 27038/25 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчаси, 118-уй | 535 401 491 | 570 510 000 |
| 18.06.2013 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 27.05.2010 й. № 153/10 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель қ.ф.й., СВТ 19-уй | 61 920 823 | 65 645 000 |
| | | Қибрай тумани СИБ томонидан 28.04.2009 й. № 6399 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Унқўрғон қ.ф.й., Ғунча кўчаси, 42-уй | 429 477 522 | 455 280 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизни тиклаб олишни таклиф қилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент ш., С.Азимов кўчаси, 65-уй.

***Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.***

**Хизматлар лицензияланган**


ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 июнда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

## Кўргазмалар

# ШАРҚ ВА ҒАРБ МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида «Икуо Хираяма: «Шарқ ва Ғарб» кўргазмаси очилди.***



Икуо Хираяма 1930 йил 15 июнда Япониянинг Сетода шаҳрида таваллуд топган. У машҳур рассом, тадқиқотчи олим, жамоат арбоби, Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси. Токио Миллий университетининг ректори. Япониядаги ЮНЕСКО ассоциациясининг раиси, Буюк Ипак йўли фондининг президенти, Токиодаги Шарқ маданияти музейининг асосчиси ва директори. Афғонистон ва Эронда маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш фондининг асосчиси ва президенти. Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожига катта ҳисса қўшган. У 2002 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўз маблағига «Маданият карвон саройи»ни барпо этди. Бу сарой ташкил қилинаётган пайтда Хираяма бу маскан археологик изланишларни, кўргазмаларни ташкил қилишни асосий мақсад этиб, маданият ва санъатга интилаётган бутун дунёнинг ёшлари ташриф буюриб, чегарасиз алмашувни бажара оладиган марказ ва халқаро алоқалар алмашувларининг таянчи бўлиб қолади, деган эди.

Унинг ижодининг асосий қисмини Буюк Ипак йўли мавзуси эгаллайди. Икуо Хираяма рафиқаси Мичико хоним билан биргаликда 150 марта Буюк Ипак йўлининг турли жойларида бўлиб таассуротлари асосида кўплаб асарлар яратган. Саёҳат давомида Ўзбекистонда ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, унинг меъморий ёдгорликлари, табиати, ўзбек халқининг туриш-турмуши, кишилари ҳақида меҳр билан асарлар яратди. Унинг таваллуд топган кунига бағишланган ушбу кўргазмада 30 дан ортиқ ижод намуналари намойиш қилинмоқда. Уларда Япониянинг Фужи тоғидан тортиб, карвон йўлларидаги Самарқанд, Бухоро, Истамбул, Рим меъморий ёдгорликлари, табиати, турли кўринишдаги карвон йўллари акс этган. Кўргазмага қўйилган «Қадимги Рим давлатининг вайроналари» деб номланган бир неча асарлари, «Бухоро», «Марказий Осиё», «Шоҳи Зинда», «Самарқанд», «Афғонистон саҳросидаги карвон. Кун» каби ижод намуналари мухлисларни бефарқ қолдирмайди. Кўргазма 30 июнга қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

## Спорт янгиликлари

# МУРАББИЙНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

***Яқиндагина Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич сўнгги турида Тошкентда Қатар терма жамоасини йирик 5:1 ҳисобида мағлуб этишгани барчага маълум.***

Ушбу учрашув бош мураббий Миржалол Қосимов учун йигирма тўққизинчи беллашув ҳисобланади.

Бу баҳс Миржалол Қосимовнинг миллий терма жамоани энг кўп бошқарган бош мураббий сифатида рекорд ўрнатишини таъминлади. Чунки шу кунгача ушбу рўйхатда Вадим Абрамов карвонбоши бўлиб турган эди. Вадим Абрамов 28та учрашувда терма жамоамизга устозлик қилган. Шунингдек, 2007 йилда Осиёда энг яхши мураббий деб танилган Рауф Инилеев 27 баҳсда терма жамоани бош мураббий сифатида майдонга олиб тушган ва у рўйхатда учинчи ўринда бормоқда.

***Бразилияда 2014 йилда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига Осиё қитъасида саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ баҳслари ниҳоясига етди.***

# РАҚИБИМИЗ ИОРДАНИЯ

Жаҳон чемпионатига Осиё қитъаси учун берилган йўлланмани Япония, Австралия, Эрон, Жанубий Корея терма жамоалари қўлга киритишди. Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз эса «А» гуруҳида учинчи ўринни эгаллаб, эндиликда жаҳон чемпионати йўлланмаси учун плей-офф беллашувларида курашни давом эттиради. Маълумки, саралаш турнирининг «В» гуруҳида учинчи ўрин учун кураш Уммон ва Иордания терма жамоалари ўртасида кечди. Бу терма жамоалар ўртасида ўтказилган сўнгги турда иорданиялик чарм тўп усталари 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Шу боис жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи плей-офф баҳсларида энди Ўзбекистон — Иордания терма жамоалари ўзаро беллашишади. Биринчи беллашув 6 сентябрь куни Иорданияда уюштирилса, такрорий баҳс 10 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтади. Икки ўйин натижасига кўра ғалаба қозонган терма жамоа октябрь ойида Лотин Америкасининг саралаш баҳсларида бешинчи ўринни эгаллаган терма жамоаси билан муносабатларга ўзаро ойдинлик киритиб олади.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан миллий терма жамоамизга мундиал йўлланмаси учун курашда омад ёр бўлсин деймиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда.***

## Мутахассис маслаҳати

# ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Шундай муҳим саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган бир пайтда боғдорчиликка ўта хавфли карантин ҳашаротлар рўйхатига киритилган зараркунандалардан бири шарқ мевахўри хавф солмоқда. Шарқ мевахўрининг ватани Хитой ва Корея давлатлари ҳисобланади. 1899 йили зараркунанда сифатида Японияда тарқалган. 1980 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида ҳам шарқ мевахўри мавжудлиги маълум бўлди. Шарқ мевахўри ўта хавфли карантин ҳашароти ҳисобланиб, меваларга катта зарар келтиради. У мевали дарахтларни, ёш кўчатларни, данакли ва уруғли мевали дарахтларни зарарлайди. Айниқса, шафтоли, ўрик, олхўри, нок, олма, гилос, беҳи ва дўлана дарахтларига таъсири катта. Ушбу ҳашаротнинг урғочи капалаги эркагига нисбатан каттароқ бўлади. Битта урғочи капалак 200-400 тагача уруғ қўяди. Бир йил давомида об-ҳаво шароитларига қараб 4-7 та авлод беради.

Мевали дарахт кўчатларини зарарлаш давомида, кўчат танаси ичида 12-15 см. узунликда йўл очади, натижада кўчат ички томонидан сўлиб қолади, барглари тушиб кетади, ўсимлик ўсиши секинлашади ва букилиб қолади. Олма ва нокнинг ёш кўчатларида личинка 1-2 см. гача кириб боради, зарарланган қисмлар қораяди ва қурийди. Зарарланган кўчат қисмларида елимли томчиларни учратиш мумкин. Битта личинка 4-5 та кўчатни зарарлаши мумкин. Меваларда эса мева бандлари атрофи ва бандлар орқали кейинги меваларга ҳам ўтиб зарар келтиради.

Шарқ мевахўрига қарши агротехник кураш усуллари сифатида дарахтнинг қуриган шохларини кесиб ташлаш, зарарланган новдаларни олиш, дарахтларни эски пўстлоқлардан тозалаш, дарахт қолдиқлари ва тўкилган баргларни ёқиб юбориш, шунингдек, акт эллик-58, би-58 дори воситалари қўлланилади. Шунингдек, шарқ мевахўри билан зарарланган ҳудудлардан меваларни бошқа ҳудудларга тарқатмаслик керак. Ушбу карантин организмнинг халқ хўжалигига келтириши мумкин бўлган иқтисодий зарарнинг олдини олиш учун барчамиз эътибор билан ёндошишимиз лозим.

**Лазиза ЯКУБОВА,**
**Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси давлат нозири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**1-Республика тиббиёт коллежи маъмурияти 2013-2014 ўқув йили учун қуйидаги умумтаълим фанлар бўйича Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, олий маълумотли мутахассисларни**

**ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

*1.Информатика — 1 (рус гуруҳлар учун)*
*2.Физика — 1 (рус гуруҳлар учун)*
*3.Химия — 1 (рус гуруҳлар учун)*
*4.Миллий истиқлол ғояси — 1 (рус гуруҳлар учун)*
*5.Тадбиркорлик ва бизнес асослари — 1 (рус гуруҳлар учун)*

Манзилимиз: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Е» даҳаси.
Телефон — (371) 277-85-94
Факс — (371) 277-22-14
Мўлжал: метронинг Ҳамза бекати

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 23 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 10-1308/3053-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 463 м.кв. литер 0001 бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошланғич нархи – 294 245 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 340 м.кв. литер 0002, 8 қаватли уйнинг ертўла қисми. Бошланғич нархи – 226 241 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Алавия (Меҳригиё) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 м.кв. литер 0002, 8 қаватли уйнинг ертўла қисми. Бошланғич нархи – 157 642 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Алавия (Меҳригиё) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 м.кв. литер 0003, 8 қаватли уйнинг ертўла қисми. Бошланғич нархи – 157 642 000 сўм.

II. 2013 йил 9 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек судининг 2012 йил 1 декабрдаги 1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 6-мавзе, Г-36 Проектний кўчасида жойлашган ер участкаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 553 609 296 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

**Билдириш**

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 17 июнь кунги 118-сонида хабар қилинган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-Қовоқ ҚФЙда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Сергели тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 19 июнь кунги хатига асосан тўхтатилди.

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани 1-Чимбой кўчаси, 34-уйда яшаган Ибрагимов Сабирга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 майдан 2013 йил 20 июнгача ўтказилган кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 23.05.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1979 й. «Газ 2410» д.р. 11 Y 3171 | 970 665 | 1 040 000 |
| 27.05.2013 | Бектемир тумани СИБ | 2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 H 001153 | 23 000 000 | 24 380 000 |
| 03.06.2013 | Қибрай тумани СИБ | 2009 й. и.ч. «2 ПТС 4 4793 А» д.р. сиз | 3 745 058 | 3 975 000 |
| | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2012 й. и.ч. «Спарк» д.р. 01 W 724 KA | 22 854 150 | 24 420 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1973 й. и.ч. «Газ 51» д.р. 11 I 0795 | 734 765 | 780 000 |
| | | 1990 й. и.ч. «Т-28Х4МС 101» д.р. сиз | 2 995 976 | 3 180 000 |
| | | 1989 й. и.ч. «2 ПТС 4793 А» д.р. сиз | 988 295 | 1 050 000 |
| | | «Зил 131» д.р. сиз | 6 196 031,3 | 6 575 000 |
| | | 2006 й. и.ч. «Нексия Донс ГБАСНГ» д.р. 75 W 084 AA | 19 771 970 | 20 980 000 |
| 04.06.2013 | Чилонзор тумани СИБ | 2011 й. и.ч. «Матиз Бест» д.р. 01 N 597 HA | 20 000 000 | 21 200 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 1994 й. и.ч. «Ваз 21061» д.р. 01 U 206 HA | 7 816 082 | 8 300 000 |
| | | 2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 O 966 ҒА | 18 050 620 | 19 170 000 |
| | | 2006 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 B 498 AA | 14 200 000 | 15 055 000 |
| | | 2006 й. и.ч. «Нексия» д.р. 18 P 9008 | 21 444 270 | 22 740 000 |
| 10.06.2013 | Бектемир тумани СИБ | 2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 A 406 GA | 16 000 000 | 16 750 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 10 906 DAA | 17 350 000 | 18 400 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1977 й. и.ч. «Уаз-452А» д.р. 11 T 9673 | 740 295 | 790 000 |
| 17.06.2013 | Оҳангарон тумани СИБ | 2008 й. «Матиз» д.р. 01 E 547 AA | 13 022 140 | 13 820 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1990 й. и.ч. «Камаз 53212» д.р. 10 A 245 BA | 12 360 653 | 13 115 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадонга мурожаат қилинг. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган Цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 73 300 259 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳар, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси 26 712 650 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 8 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, ИНН: 207125885. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99871) 212-89-55. Лицензия: RR-0052



Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ